

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09



Кўкон осмони узра кўтарилиган кора куюн кўланкаси ўн саккизинчи йилнинг баҳоридаёқ кадим Бухоро миноралари устига етиб келди. Ўша йилнинг баҳорида кўтарилиган конли ойболта йигирманчи йилнинг ёзини охирлатиб кундага тушди. Ойболта кундага тушгунича Бухородаги ички холат бўрон арафасидаги нотабиий осойишталикни эслатарди. Амир томонидан бошカリлаётган кема икки бор калкди. Биринчи калкиш «Ёш бухороликлар» гурухи томонидан 1917 йилнинг 7 апрелида амир арки ёнида уюштирилган тинч намойиш ва амирга юборилган талабномаларда акс этди.

Воқеаларнинг ривожи «Колесов юриши», куролли инкилобчиларнинг маглубиятга учраши ва амирнинг тараккийпарвар жадидлардан ўч олиши билан якунланди. Иккинчи бор калкканида эса кизил кўшин тўфони кемани гарк этишга муваффак бўлди.

Шу даврда Бухоро ахолисининг асосий кисми майда дехкон хўжалигида дехкончилик билан шугулланарди. 1917 йилда 669.640 минг десятиналик сугориладиган ерга эга бўлиб, унинг асосий кисмiga пахта экиларди.

Когондан Амударё киргокларигача ястаниб ётган бесарҳад чўлларию осмонўпар тогу яйловларидан хар или 800 милён атрофида коракўл тери олинар ва етиштирилган хом ашёсининг 88 фоизини Русияга чикаарди. Амир фукароларининг умумий сони эса 2 милёнга якинлашиб колганди.

Халк орасида жиддий нуфузга эга бўлган «Ёш бухороликлар» гурухи шундайин нозик бир даврда тарих сахнасига чиқдики, хаттоки амир хам улар билан хисоб-китоб килишга мажбур бўлиб колди. Чунки сиёсий холат ва тарихий зарурият шуни такозо киларди. Бу гурухнинг жонкуярлари косибу хунармандлар ва хатто амир сарбозлари орасида хам топиларди. Шу сабабли бошка жамоалардан халк орасида таъсир доираси ва кўламининг кёнглиги билан ажralиб турсада, гояси халкнинг куйи ва ўрта табака вакиллари онгига сингиб улгурмаганди. Факатгина, бир ховуч демократик кайфиятдаги мусулмонлар ва эндиғина тетапоя бўлаётган миллатпарвар махаллий буржуйлар томонидан кизгин кўллаб-куватланарди, холос.

«Ёш бухороликлар» феврал ўзгаришигада мамлакат хаётининг хамма жабхаси тараккиётiga тўсик бўлиб турган эскича феодал ишлаб чиқариш муносабатларини синдириш, ўрта асрчилик истибдодини йўқ килиш, уни замонавий илгор буржуа демократик тизими билан алмаштириш тарафдори бўлиб чиқдилар ва ўзларини дастлаб жадидлар оқимининг вакиллари деб хисобладилар. Ўнг канот вакилларидан А. Мухиддинов «Биринчи намойишгача (яъни феврал инкилобигача) бўлган даврдаги бизнинг максадимиз конституцион монархия ўрнатиб, амир Олимхонни Файзулла Хўжаев

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

билан алмаштиришдан иборат эди» деб ёзади. Уларга бу ишда афгон элчиси Гулом Набиҳон ёрдам беражаги ва кўмак эвазига у бош вазир лавозимига кўтарилиши лозим эди.

Инкилоб арафасида Бухоро шарифда 12 та муфтий унвонига эга бўлган уламо бўлиб, уларнинг энг забардасти хисобланмиш Махмудхўжа Бехбудий ва Мулло Икром амир хамда амир тизимини танкид килиб макола ва рисолалар битганди. Айни вактда улар халк орасида Бухоро жадидчилигининг отаси деган юксак номга хам сазовор бўлишганди. Улардайин тараккийпарвар кучларга карши, эскилик ва бидъат тарафдори ва ўзларини «қадимийлар» деб аталадиган гурухга Мулло Абдураззок бошчилик киларди. Ўз навбатида тараккийпарвар жадидлар хам маълум сабабларга кўра ўнг ва сул канотга ажралиб кетганди. Анчайин шиддаткор ва инкилобий гурух бўлмиш сўл канотга маърифатпарвар шоир ва ёзувчи Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаев бош бўлган бўлса, бир-мунча юмшокрок, амир билан келишувчанлик, уни ислохотларга ундовчи сиёsat олиб борувчи, кон тўкилишини кечиримсиз гуноҳ деб билган ўнг жадидларга Абдувоҳид Бурхонов, Муҳиддин Мансуров ва Садриддин Айний бошчилик килардилар.

Русиядаги феврал инкилобининг хароратли нафаси империянинг чекка бир ўлкаси, ярим мустамлака (феврал ўзгаришидан кейин Бухоро ўзини мустакил давлат деб эълон килганди) Бухоро музофотига хам ўз таъсирини кўрсатди. Вазият такозосига кўра Керенскийнинг Вактли хукумати амирлик бошкарувида хам демократик ўзгаришлар киритишни таклиф этади. Бу ишларга Миллер бош-кош бўлади. «Ёш бухороликлар» хам «маҳсус кенгаш» чакириб, муваккад хукумат амирга давлат бошкарувига демократик ўзгариш киритиш хакида тазийик ўтказишни сўраб А. Фитрат ва Усмонхўжаевни вакил этиб юборади, Вакиллар Ўренбургдан кайтишга мажбур бўлади, чунки Миллер сирли топшириклар олиб Бухорога этиб келади ва жадидлар билан музокара олиб боради. Амирга бир томондан салтанат бошкарувига жадидлар жиддий ўзгариш киритишни талаб килса, иккинчи томондан қадимийлар, хурофотчилар билан биргаликда консираётган Урганжий бошчилик килувчи гурухлар катогонни кучайтиришни талаб киларди. Кай йўсинда бўлмасин амир жадидларга ён беришга мажбур бўлади ва 1917 йилнинг марта мартидаги хуррият манифестиини (фармонни) эълон этади.

БУХОРО АМИРИНИНГ ФАРМОНИ

Улки исми раҳмондир.

Фуқароларимизнинг хамиша манфаатларини ва баҳт-саодатларини кўзлаб, биз хукумат идораларимизнинг хаммасини мумкин кадар кенг равишида яхшилашга, уларнинг барча сустимолларини ва нотўгриликларини халкнинг истагига биноан сайлов асосида йўкотишга карор килдик. Барча яхшиланишларнинг ва фойдали ўзгаришларни барча фуқароларимизга эслатиб, биз уларни Бухоро халки учун фойдали тараккиёт ва илм нури билан Бухорони ёритиш тўгрисида ўз зиммамизга олган катъий кароримизни адо этишда ёрдам беришга чакирамиз.

Аввало биз козихоналарни хамда хирож (ердан олинадиган солик), закот (пул, чорва

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

моллари ва харакатдаги молу мулкдан олинадиган солик) ва бошка соликларни ундиришни бузилмас адолат асосига курамиз, мамлакатда саноат хамда савдони, хусусан, кудратли Русия билан ривожлантиришга алохидатайинланиб кўйилади ва хизмат ишларини бажарганликлари учун уларнинг хар кандай хак олишлари ман этилади. Сўнгра биз мамлакат шариат амрига мувофик равишда фойдали илм ва фанларни ривожлантириш ва рагбатлантириш учун хамма чораларни кўрамиз.

Пойтахтимизда истикомат килиб турган фукароларимизнинг сихат-саломатликлари, баҳт-саодатларини кўзлаб биз ахолига халқ хукуматига лойик кишилардан шўро сайлаб кўйиш хукукини беришга карор килдик. Шу кишилар мамлакатимиз пойтахтини согломаштириш ва обод килиш тараддудини кўргайлар.

Шунингдек, бундан бўён давлат хазинасини таъсис этиш, келадиган даромадларни ва давлат эҳтиёжларига сарфланадиган харажатларни аник хисоблаб хонлигимизнинг сармоясини белгилаб кўйиш зарур деб хисоблаймиз.

Бухоро давлатининг баҳт-саодатини кўзлаб киладиган барча ишларимиздан ва берадиган фармойишларимиздан фукароларимизнинг хаммаси аник ва ўз вактида хабардор бўлиб туришлари лозим деб хисоблаб, пойтахтимиз Бухорода босмахона барпо килишни лозим топдик. Унинг биринчи вазифаси зарурат тугила бориши билан алохидатайинланиши учун ва бухороликларнинг фойдали маълумотлар олиши учун нашр килиб туришдан иборат бўлади.

Халкимизнинг баҳт-саодати учун Бухоро хонлигига ўз-ўзини бошкаришга эҳтиёж борлиги аникланиши билан уни янада ривожлантира бориш тадорикини кўрамиз. Шу тантанали воеани нишонлаб, бизнинг буюк хомиймиз Русия билан махкам бирлашиб халкнинг розилиги ва маъкуллаши билан турмадагиларни камокдан бўшатишини буюрамиз.

Жума, жумодис-сонийнинг

(1917 йилнинг 7 апрели) 1335 хижрий иили, 28 куни.

Бухорои шариф. Бухоро амири Сайд Олимхоннинг катта муҳри».

Фармони олий эълон килиниши билан амир Бухоросида одат тусига кириб колган фармонни кутлаш маросими бўлиб ўтади. Мазкур маросимда Файзулла Хўжаев хам амир саройида масъул амал эгаси бўлган амакиси Латиф Хўжаев туфайли иштирок килишга муваффак бўлади.

Амирнинг хуррият манифести жамиятлар, сиёсий гурухларнинг ўртасида кизгин мухокама килинди, сиёсий тортишувларга хам сабаб бўлди. А. Фитрат ва Файзулла Хўжаев бошлиқ сўл гурухдагилар шаҳарда кўп минг кишилик намойиш ўтказиб, халкка хак-хукукини танитиб, сиёсий онгини оширишни илгари сурса, Абдувоҳид Бурхонов, Рифъат Мусо Сайджонов ва Садриддин Айний бошлиқ эски жадидлар конли ларзаларга йўл кўймай ислохотни аста-секин, боскичма-боскич тарзда амалга ошириш тарафдори бўлдилар.

Ўша куни Фитрат ва Ф. Хўжаевлар бошчилигига намойиш ўтказилди. Бу тўгрида Ф.

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

Хўжаев куйидагиларни ёзди: «Эрталаб «Ширкати баракат» магазини олдига келганимда фаол ходимларнинг 150 га якини келган экан. Юриш эрталаб 8—9 ларда бошланди. Амирнинг фармонида майда миллатлар, эронийлар, яхудийлар, лезгинлар тенг хукуклилик олган бўлса хам намойишга катнашдилар (улар камситилиб белига белбог ўрнига аркон bogлаб юришга мажбур этиларди. Ш. Д.) ... Намойиш бошланганида 1000 га якин киши катнашаётганди, лекин йўл-йўлакай намойишчиларга тўда-тўда одамлар кўшилаверди ва тез орада намойишчиларнинг сони 5—7 минг кишига етди. Намойишчилар кўтарган кизил байрокларга ўзбек ва яхудий тилларида «Яшасун хуррият», конституция, матбуот эркинлиги ва мустакил мактаб, хатто «Яшасун халоскор амир» деган шиорга хам кўзим тушди.

... Намойишчилар чит растаси оркали Бозор кўчасидан ўтиб Говкушонга етдилар, намойишчилар сони кўпайгандан-кўпайиб бораверди ва Хиёбон томон йўл олди. Хиёбоннинг ўзида эронийларнинг вакиллари гуллар кўтариб намойишчиларни кўлладилар ва Хиёбонда катта митинг ўtkazdi. Сўнгра намойишчилар оқими Регистон томон йўл олди. Регистонда муллалар томонидан ташкил этилган ва жуда хаяжонланган 7-8 минг кишилик оломон йигилган экан, уларга амирнинг сарбозлари хам хайриҳо бўлиб турганди. Тўкнашувнинг олдини олиш ниятида намойиш фаолларидан Абдувоҳид хаммани уй-уйига таркалиши тўгрисидаги хабарни эълон килди.

Амир сарбозлари ўша куниёк 30 га якин намойишчини тутиб каттик жазолади. Улар орасида С. Айний, Мирза Насрулло, Мирза Сохиббой ва бошкалар бор эди. Амир хибсга олинганларни Осиёнинг эски одати бўйича калтаклаш тўгрисида бўйрук беради. Мирбобо ва Айнийга 75 дарра, Мирза Насруллога эса 150 дарра урилади.

Намойишчиларнинг фаоллари Когонга кочиб жон саклайдилар.

«Ёш бухороликлар» амир билан Русия ваколатхонаси оркали музокаралар олиб боришига киришдилар.

Илк куртаги 1913 йили ташкил топган мазкур сиёсий гурух 1917 йилга келиб сиёсий партия сифатида шаклланди. Абдурауф Фитрат бу партиянинг саркотиби вазифасини бажаарди. «Ёш бухороликлар» етук сиёсий партияга айланмасданок, пухта дастурга эга бўлмасданок сиёсий жанг майдонига кирганди. Шунинг учун тинч намойиш оммавий киргин билан якунланди, жипсликка анча путур етди, дин мутаассибларининг каршилиги туфайли халқдан анча йироклашиб колди. Шу боис партия саркотиби А. Фитратга 1918 йилнинг январ ойида «Ёш бухороликлар» партияси дастури лойихасини ишлаб чикиш топширилади. Дастурга миллий буржуазия равнакини карор топтирган «Ёш турклар» партиясининг дастуридаги гоялар асос килиб олинади. Чунки Туркия ва Туркистон тараккиётининг хамма жабхалари деярлик баробар даражада эди. Марказий Кўмита топширигига кўра Фитрат ёзган ислохот лойихасида Бухорода хукук асосида курилган давлатчиликни жорий этиш, ўрта асрчиликдан колган Шарқ истибодини оврўпача маърифатли монархия билан алмаштириш хамда меҳнаткашлар оммаси-нинг фаровонлиги ва маданиятлилигини ошириш негизида Бухорони иктисадий, сиёсий ва харбий жихатдан мустахкамлаш гоялари илгари сурилади. Бу гоялар «Ёш турклар»нинг «Иттиход ва тараккиёт» фирмаси дастурида акс этганди.

Иши ўнгидан келавермаган «Ёш бухороликлар»нинг сўл канот вакиллари энди очикласига кизил кўшин ёрдамига ишониб куролли хужумга тайёрлана бошлади.

Жадидлар харакатининг иккинчи гурухи 1917 йилнинг апрелидаёк «Шўрайи Исломия» жамиятини тузганди. Бу гурух Муҳиддин Мансуров, Абдураҳмонхўжа, Убайдуллаҳўжа (Файзула Хўжаевнинг амакиси) бошчилигига гайридинлар ёрдамига суюнмаслик,

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

айникса, кизил кўшинни Бухоро тупрогига киритмаслик тарафдори бўлиб чикдилар. А. Фитрат ва Ф. Хўжаевлар «Ёш бухороликлар»га бош бўлиб, Колесов билан куролли кўзголон уюштиришга келишиб олади. «Совет хокимияти ичидаги сўнгги калъа» бўлган амирликни тугатишга «Ёш бухороликлар»дан кўра Колесов кўпроқ шошиларди. Чунки Колесовнинг ўзи Асхободдан Тошкентга келаётганида йўлда «Ёш бухороликлар» делегациясини кабул килиб, «кўзголонга тайёргарлик кўринглар», деб буйрук беради. Кўзголонга раҳбарлик килиш учун «Ёш бухороликлар» Инкилобий кўмита сайлайди, унга Ф. Хўжаев, А. Фитрат, Отахўжаев, Бурхонов, Агдаров, Пўлатов ва Фазлиддин махсумлар аъзо бўладилар.

Милодий йил хисоби бўйича 1918 йилнинг 16 марта кун ярмидан окканда Ф. Колесов тўплар ва пулемётлар ортилган эшелон билан Янги Бухоро (Когон)га етиб келдилар. Ўша куниёк «Ёш бухороликлар» кўлига курол тутказади. Ва биргалашиб амирга талабнома кўяди, унда шартларга 24 соат ичida жавоб йўллаши ва сарбозларини куролсизлантириш талаблари кўйилган эди.

Бухоро амирига юборилган ултиматум матни куйидагича эди.

«БУХОРО АМИРИГА.

1. Ушбу билан бирга сизга «Ёш бухороликлар»нинг талабларини юбораётирмиз ва бу талабларни хеч бир ўзгартирмай 24 соат ичida кабул килишингизни сўраймиз.
2. Сизнинг хузурингиздаги хукумат таркатиб юборилсин ва унинг ўрнига «Ёш бухороликлар»нинг Ижроия кўмитаси тайинлансан, бутун хокимият «Ёш бухороликлар» Ижроия кўмитасининг кўлида бўлажак. Янги ташкил килинган хукумат мазкур Ижроия кўмита томонидан Сиз билан келишиб тайинланади.
3. Агар кон тўкилишини истамасангиз бу талабларни албатта кабул киласиз. Агар кабул килмасангиз тўкилган кон учун сиз жавобгар бўласиз. У холда нимаики харакат килиш бизнинг ихтиёrimизда бўлади. Сизнинг жавобингиз бизнинг талабларимизга мувофик бўлиши лозим. Агар Сизнинг бирор жавобингиз бизнинг талабларимизга зид бўлиб чикса, талабларимиз кабул килинмаган деб хисоблаймиз.

Туркистон Халк Комиссарлари Советининг Раиси , Федор Колесов.
«Ёш бухороликлар» Ижроия Кўмитасининг Раиси Файзулла Хўжаев»

Амир токатсиз инкилобчиларга ултиматум жавобини йўллайди, унда шахсан амирнинг ўзи кўйилган талабларга карши эмас ва уларнинг амалга ошишдан хурсанд, лекин халк бу ўзгаришларни кабул килишга тайёр бўлмаганлиги сабабли ултиматумда кўзда тутилган хамма талабларни дархол амалга оширгилар деб кистамасликни, аста-секин, боскичма-боскич бажаришга рози эканлигини билдириди.

Токатсиз куролли инкилоб-чилар Эски Бухорога хужум бошлишидан олдин амирдан иккинчи мактубни олади. Мактубда амир ултиматум шартлари кабул килинганлигини билдириб, куйидаги бир неча шартларни инкилобчилар олдига кўяди:

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

1. Юборилган Ултиматумнинг хам шартларига розиман, факат кизил кўшин шахарга киритиласлиги керак.

2. Шахарда «Ёш бухороликлар» намойиш ўтказмаслиги лозим.

3. Таклиф этилган талаблар хозирнинг ўзидаёк амалга оширилмайди, балки имкони борича амалга оширилади.

Тошкенту Кўкон кўчаларини кизгалдок рангга бўяган кизил гвардиячилар амир шартларни бажармади деб хисоблайди ва эрта сахардаёк Когон — Бухоро темир йўли бўйлаб биринчи бўлинмаси, Каттатош йўли бўйлаб иккинчи бўлинмаси «котиб колган ўрта асрчилик истибододидаги феодал ислом мамлакати»да инкилобий хокимият ўрнатиш учун ўн саккизинчи йилнинг марта кам сонли (200 атрофидаги) «Ёш бухороликлар»га суюнган холда «Осиёнинг энг кора диний марказларидан» бири бўлган, «аксилинкилобчилар, ок гвардиячилар ва жаҳон империализмининг карвонсаройи» (В. Куйбишев) бўлиб куролли инкилобчиларнинг гашига тегаётган мустакил Бухоро устига, курол кучи билан инкилобни ёйиш ва чукурлаштириш максадида конли хужум уюштириди. Халкимиз бошига чексиз кулфатлар келтирган, милёнлар калбини куйдирган, ўн минглар жонини олган, йўксилларча «байналмилад бурч» деган шиор илк бора ўша машъум кунлари янгради.

Умрида ёлкасига кетмондан бошка курол тутмаган «саводсиз, алданган кора авом халк» (М. Фрунзе) паншаха, ўрок ва болта билан куролланган холда миллат, эътиқод ва ватан химоясига отланди.

Бу конли вокеалар ва фожеаларнинг бевосита фаол иштирокчиси Файзулла Хўжаев куйидагиларни ёзади: «...режада мўлжалланганидек ичдан туриб кўзголон бошлиш мумкин бўлмади. ...Куролли кўзголон (аслида конли агрессия) ичдан эмас, сиртдан бошланди. Кўзголон халк кўзголони тарзида эмас, балки ўрис ва Бухоро кизилгвардиячиларининг кичикрок аралаш отрядлари томонидан Бухорога килинган хужум тарикасида бошланди.

...Шундай вазиятда «Ёш бухороликлар»нинг режаларини ахоли кўллаб-кувватлаш у ёкда турсин, балки аксинча, амир хукумати ахолини «Ёш бухороликлар»га гиж-гижлашга, ахоли орасида миллий хиссиятнинг ва диний мутаассибликтининг зўр тўлкинини кўзгашга, «Ёш бухороликлар» Ватанни ўрисларга сатаётган хоинлар, дини исломни тахкирлаётган кишилар» деб кўрсатдилар» .

Биринчи тўкнашув Бухоро деворидан бир чакирим чамаси оркада, Фотхобод олдида рўй беради. Иккала томондан хам ўлганлар ва ярадор бўлганлар бирин-кетин жанг майдонида колиб кетади.

Амир кон тўклишининг олдини олиш максадида битим тузиш учун кизиллар томонга вакил юборади. Амир вакиллари Усмонбек күшбеги, Хожи Закария ва Азимовлардан иборат эди. «Ёш бухороликлар» тарафидан А. Фитрат, Ф. Хўжаев, Фазлиддин маҳсум ва Колесов адютантлари билан биргаликда музокарага киришади. Музокара Ф. Колесовнинг харбий вагонида ўтказилади. Вакиллар Колесовга амирнинг иккинчи фармони нусхасини беришади, унда куйидаги фикрлар мужассамлаштирилган зди.

«Худо таоло номи билан халкимизга маълум киламанки, миллат учун тенглик ва эркинликдан кўра улугрок баҳт йўқ. Халкимизга хукук ва эркинликлар берилмаса ва давлатни идора килиш тартиби замон руҳига мувоғик идора этилмаса, мамлакатимизда

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

халкнинг бахтли бўлишига ва унинг осуда хаёт кечиришига эриша олмаслигимизни жуда яхши биламиз. Халкимизнинг шунчалик оркада колганлигига хамда зулмат ва жаҳолатда турганлигига биринчи сабаб маъмурларимизнинг уюшқоксизлиги ва халкимизнинг кулликда колганлиги эканлигини икрор киламиз.

Мана шу холларни эътиборга олиб хамда халкимизнинг ва мамлакатимизнинг турмушини яхшилаш ниятида биз бундан ўн бир ой мукаддам бир фармон чикарган эдик, лекин баъзи бир амалдорларнинг иғвогарлиги сабабли мазкур фармон амалга оширилмай колди. Бунинг натижасида Бухоро халки катта жафолар тортиди.

Мамлакатимизнинг бахтли бўлиши бизнинг асосий вазифамиздир, шу боисдан ушбу иккинчи фармонни чикариб бизнинг кароримиз катъий эканлигини бутун халкка эълон киламиз.

Халкимизнинг бахти учун мамлакатда ўтказадиган вазифаларимиз куйидагилардан иборат бўлади:

1. Бутун халкимизга сўз эркинлиги, хунар-касб билан шугулланиш эркинлиги, жамиятлар эркинлиги бериб, таловчиликни ва зулмни тамомила бекор киламиз.
2. Мавжуд кенгашлар ўрнида Бухоронинг хур фикрли кишиларидан Ижроия кўмита таъсис киламиз, барча ислохотларни шу кўмитаминг программаси ва кўр-сатмаси бўйича ўтказамиз.
3. Хозирги хукумат бошида турган кишилар эркинлик душманлари бўлиб, илгаригидек, фитналар килиш тараддудини кўраётганлиги сабабли уларни четлаштирамиз ва уларнинг ўрнига Ижроия кўмита кўрсатиб берган кишиларни тайинлаймиз.
4. Мамлакатни адолат ва шариат асосида бошқаришни ташкил этамиз.
5. Тан жазоси беришни ва ўлим жазосини мавжуд конун-коидалардан чикариб ташлаймиз.
6. Хозирги вактда амалда бўлган, мамлакатни хароб килаётган «амлок» солик системаси бекор килинади ва бундан буён биз Ижроия кўмита кўрсатмасига биноан маъкул бўладиган соликни тайинлаймиз.
7. Мамлакатга савдо ишлари учун заарар келтираётган «аминона» солик системаси бекор килинади. Мамлакат ишларини ислохот килиш йўлидаги бизнинг бу карорларимиз катъий эканлигини бутун халкимиз яхши билиши лозим.

Ўн тўккизини жумодил аввал, 1336 сана хижрия, бамутобик иккинчи март, 1918 санаи милодия. Амир Сайд Олимхон мухри».

«Ёш бухороликлар» кўшимча шартлар билан амирни яна ён беришга мажбур этади ва амир кўшинларининг тўла куролсизлантирилишини талаб килади. Амир бу талабларни истаган тақдирда хам бажаролмасди, бажаришга кучи хам етмасди. Чунки сарбозлар ва муллалар даргазаб бўлиб, бутун халкни кофирларга карши оёкка тургизмокда эди.

Шундай бўлсада, «Ёш бухороликлар» ва кизил гвардиячиларнинг Уткин ва Абдурахмонов бошлиқ бир гурух харбийлари амир аскарларини куролсизлантириш учун Бухорога кириб боради.

Куролсизлантириш бошланиши биланок амир сарбозлари ўзларини гурури топталган

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

хисоблайди, чунки кайнок конли мусулмон гайридин кишиси ёнидан ярогини сугуриб олишига чидаб туролмайди ва куролсизлантириш тўс-тўполонга айланиб кетади. Буйсунмас сарбозлар кизил кўшин вакилларини банди этиб азоблаб ўлдирадилар. Амир 35 мингга якин кўшин йигиб, ибтидоий куролланган холда Колесов кўшинига хамла килади. Окибатда инкилобчиларнинг Тошкент билан алокаси узилиб колади ва оркага чекинади.

Термиз ва Керкидан харбий ёрдам ололмайди, бухороликлар юз чакиридан ортик масофадаги, яъни Карманадан Коракумгача, Фаробдан Каттакўргонгача бўлган темир йўл изларини бузиб ташлашади. Жанг харакатлари тўгрисида яна Файзулла Хўжаевдан эшитсан: «Бизда европача артиллерия бўлганлиги амир армиясига нисбатан бизнинг бирдан-бир афзаллигимиз эди, Биз мана шу афзалликлардан фойдаланиб Эски Бухорони тўпга тутишга, шу тариқа амирнинг хужумини тўхтатишга, шунингдек, шахарга вахима солиб оломонга таъсир ўтказишга карор килдик.

Тўпга тутишни бошлаб юбордик, аммо бир неча соат давом этган тўпга тутиш хеч кандай натижা бермади. Кейин маълум бўлишича, биз отган тўп ўкларининг бирортаси хам шахарга тушмапти. Биз учун аянчли бўлган бу галати фактдан муллалар дарров фойдаланиб, кофир ва дахрийларнинг, «ёш бухороликлар»нинг тўпи «Бухорои шариф»ни вайрон килишга Оллоҳ таоло ва Мухаммад алайхиссалом йўл кўймади, улар мусулмонларни ва амирни тўп ўкларидан саклаб колдилар, деб ташвикот юритдилар». Кизил кўшин беш кун давомида Тошкент томонга чекиниб борди ва Кизилтепага етганда Тошкентда Колузаев отряди билан ёрдамга етиб келади.

Шундай килиб, беаёв конли тўкнашув бир зарб билан «мудрок уйкудаги кора ўлка»да сосиалистик жамият ўрнатмокчи бўлган куролли инкилобчилар ва «Ёш бухороликлар» гурухи сўл канотининг тўла маглубияти билан якун топди. Бу инкилобчиларнинг Туркистондаги илк маглубияти эди. Юкоридаги иктибослардан кўриниб турибдики, бу конли юришни ўюштиришда ўз халкини ўзгалар кўли билан озод этмокчи бўлган «Ёш бухороликлар»нинг сўл канот ўнгдорлари Абдурауф Фитрат ва Файзулла Хўжаевлар алоҳида ташаббус кўрсатадилар.

Бу конли кисмат ва конли вокеалар тарихга «Колесов юриши» ёхуд «Колесов вокеаси» номи билан кирди.

Колесов вокеаларидан сўнг Бухоро халки махаллий демократларга хам, оврўпалик худрсиз куролли инкилобчиларга хам ишонмай кўйди. Мамлакатда эса конли зулм авж олди. Зулмнинг тиги биринчи навбатда тараккийпарвар зиёлиларга каратилди, кимдаким, жадидчиликда шубхаланса ёхуд уларга хайриҳо бўлса, у кайси ижтимоий табака вакили бўлишидан. катъи назар кирринга, хар кандайин хур фикр — катогонга гирифтор этилди. Натижада уч кун ичida 5 мингга якин киши хибсга олинди 500 дан ортик киши турмага ташланди. Регистон майдонида 63 киши Ватан хоини сифатида халк олдида осиб ўлдирилди. Конли тўкнашувнинг якуни эса маглуб голибни ўзаро тенг бўлмаган шартномага имзо чектириши билан тугалланди.

Келинг, яхшиси, Кизилтепа шартномасининг бандлари билан танишиб чикайлик. Битим 1918 йилнинг 25 марта Кизилтепада имзоланади, шу сабабли тарихга «Кизилтепа битими» номи билан муҳрланди.

«Русия томонидан отряд комиссари В. Я. Шмидт, Харбий Коллегия аъзоларидан Г. А. Колузаев, С. М. Степанов ва В. М. Копилов, Туркистон ўлкаси темир йўл комиссари А. Ф. Салькин, подшо салтанатининг собиқ элчиси П. П. Введенский ва Мирбадаловлар катнашдилар.

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

Бухоро амирлиги номидан амирнинг бош закотчиси Мирза Салим парвоначи, Бийхўжа, Абдурауф Карвонбоши, Азиммирбобо Мирохур ва амирнинг бошка аёнлари иштирок килдилар.

Келишув йигинига В. Я. Шмидт раислик, А. Ф. Салькин котиблик, П. П. Введенский тилмочлик килди.

1. Бухоро амирлиги фукароларини биргаликда куролсизлантириш, биринчи бандга куйидаги ўзгартиришлар кўшиб кўйилди. «Чўлда жойлашган Бухоро фукаролари даги куролларни чорвани кўриклаш учун колдириш, улардаги винтовкаларнинг ярмини пилта милтикка алмаштириш».

2. Сўнгги рўй берган воқеалар-га кадар маежуд бўлган, мунтазам армияни колдириш. Бу банд тубандаги ўзгартиришлар билан кабул килинди. «Армиянинг микдори 12 минг навкар, 12 та тўманбошидан иборат бўлсин ва хамма мис куроллар (эски мис замбараклар) амирлик ихтиёрида колдирилсин. Янги замбараклар, пулемётлар билан бирга Туркистон хукумати ихтиёрига берилсин».

3. Бухоро амирлигидан паноҳ топган ўрис аксилиниклобчи зо-битларини Шўроларга тутиб бериш.

4. Бухоро хукумати темир йўлларни, харбий харакатлар туфайли вайрон бўлган давлат муассасаларини, тинч ахолининг кўрган заарларини тиклаш ва Туркистон ХҚС ихтиёрига 100 вагон нон (бугдой), биринчи навбатда Тошкентга 20 вагон нон юборишни зиммасига олди.

5. Амирлик худудидаги темир йўл, почта, телеграф ва уларда ишлаётган оврўпалик хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

6. Иккала томон хам бандиларни шартсиз алмаштириш;

7. Ўрта Осиё темир йўлининг Бухоро худудидан ўтган кисмида Шўро харбийларининг тўсиксиз харакатини таъминлашга кафолат бериш;

8. Амир хузурида Шўро комиссари бўлишлигини шартсиз тан олиш. Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Фёдор Колесов. Вактинчалик Туркистон Ташки ишлар ХҚ вазифасини бажарувчи Х. Э. Кримов. Ва иш бошкарувчи Цўентренко имзо чекдилар». Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, дўст тутинмокчи бўлган гурухлар бундай битимни таклиф хам килмайди, имзо хам чекмайдилар. Иккала томоннинг хам максади битта, вактдан ютиш, бўлгуси хал килувчи жангга пухтарок тайёрланиш эди. Замонавий харб илмидан хабардор амир (у Петербург харбий кадрлар корпусини битирган ва подшо армиясининг генерал майори унвонини олган эди). 13 минг ибтидоий куролланган сарбозлари билан 70 минг атрофидаги жанг жадал кўрган, «кахрамонлик» кўрсатишда Исқобелов аскарларидан хам колишмайдиган, замонавий ярогли улкан армияга бас кела олмаслиги, кизил кўшиннинг зарурат тугилса марказдан яна истаганча мадад кучи олиши мумкинлигини яхши биларди. Шунинг учун бўлса керак, амир янги тўкнашувнинг олдини олиш учун Самарканд ва Тошкентда Бухоро элчиҳоналарини очди, Московга 1920 йилнинг 8 июняда РСФСР ташки ишлар халқ комиссари Г. Чечерин хузурига тинчлик делегакиясини юборади ва икки давлат ярим асрдан зиёд дўстона яшаётганини таъкидлаб, иктисадий, сиёсий, зарурат тугилса, бир-бирига харбий ёрдам беришга чакиради ва Москвада Бухоро давлатининг элчиҳонасини очишни сўраб, унга Мирза Муҳди Хўжабоевни элчи этиб тайинлаганини билдиради.

Лекин амирнинг харакатлари зое кетди. Икки ярим йиллик танаффусдан сўнг куролли инкилобчилар Туркфронт кўмондони Михаил Фрунзе буйругига мувофик, ўта жиддий тайёргарликдан сўнг 29 август куни Эски Бухоро калъасига хужум бошлади. «Охирги

Муаллиф:

24.10.2010 02:26 - Янгиланди 22.11.2010 06:09

хужум бошланди, — деб ёзади Г. Омелюстий ўзининг «Бухоро калъаси остида» деб комланган хотираномасида. (Макола Бухоро ва Хоразм инкилобининг 10 йиллиги муносабати билан маколалар тўплами сифатида чоп этилган).— Душманга озми-кўпми зарар бериши мумкин бўлган нарсаларнинг хаммаси жангга солинди. ...Якин келтириб кўйилган тўплар Карши дарвозасининг арчадан ясалган табакаларини нихоят ёриб ўтди. ...Кўча жанги бошланди. Устиларига хамма томондан ўқ ёғдириб турилган, кўл гранаталари иргитилаётган, хатто томлардан, деразалардан кайнок сув куйилиб турган вактда хам Бухоронинг инкилобий отрядлари, кизил гвардиячилар, кизил аскарлар гурухлари шахар ёнгинлари орасидан ёриб ўтиб, олга боравердилар. Кингир-кийшик тор кўчалар, калин пахса деворлар хар бир кадамда тўскинлик тугдирмокда эди. Хар бир уй, хар бир маҳалла жанг билан кўлга киритилди. Чунки даргазаб оломон «оллох-оллох» деб бакириб, бизнинг тўхтовсиз отилиб турган пулемётларимиз томон келаверардилар».

Арк олди ва атрофи ловуллаб ёнмокда эди. Инглиз жосуси майор Блейкернинг хотираномасидан эса «... броневиклар оломон тўла кўча бўйлаб кон кечарди» деган сўзларни ўкиш мумкин. Худди шунга ўхшаш жанг лавхаларини Верешагин, Кауфман, Ис kobelov, Терентев китобларида хам учратса бўлади.

Шониёз Дониёров